



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
XALQ TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ILM VA TA'LIM VAZIRLIGI




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI



BUXORO  
DAVLAT  
UNIVERSITETI

# TA'LIM SIFATINI OSHIRISH: MUAMMO, YECHIM VA ISTIQBOL (BUXORO TA'RIHISI)

MAVZUSIDA RESPUBLIKA  
ILMIY - AMALIY ANJUMANI  
MATERIALLARI



2020-YIL, MAY

Bugungi kunda multimedia vositalarini yaratish va namoyish etish yeng samarali va qulay zamonaviy vositaga aylandi. Boshlang'ich sinflarda o'zbek tili ta'limida multimedia texnologiya vositalaridan foydalanish o'quvchilarni fanga bo'lgan qiziqishini o'stiradi, o'zga tilni o'zlashtirishlarida qulayliklar yaratadi, darsni qiziqarli, samarali, zamon talablariga mos bo'lishini ta'minlaydi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Adilova S.A. O'zbek tili mashg'ulotlarini kompyuter texnologiyalari vositasida tashkil etish (oliy ta'lim muassasalarining rusiyzabon guruhlarida): Ped.fanl.nomz. . dis., – Toshkent: 2004. – 152 b.
2. O'zbek tili. 4-sinf o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma / F. Tolipova va boshq. – T.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2017.
3. Nazarova S. O'zbek tili o'qitish metodikasi. – T.: O'qituvchi, 1992, 26-26 b.
4. [www.rtm.uz \o'quv-dastur](http://www.rtm.uz/o'quv-dastur). Ona tili, Adabiyot, O'zbek tili.

## БОЛАНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Д. М. Рахмонова - Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси  
бошланғич таълим фани методисти*

The main objectives of teaching school-age children are the development of their physical, mental and spiritual development, their preparation for ordinary education (school) on the basis of national, universal values, taking into account their innate abilities, interests, needs and abilities.

**Key words:** mechanism, motor skills, hand movement, innate abilities, abstract.

Мамлакатимизда таълим муассасалари фаолиятини меъёрлаштирувчи “Таълим тўғрисидаги Қонун”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, шунингдек, “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги давлат ҳужжатлари қабул қилинган.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий вазифалари болаларни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришдан, уларнинг туғма лаёқати, қизиқиши, эҳтиёжи ва имкониятларини инobatга олган ҳолда, миллий, умуминсоний қадриятлари асосида мунтазам таълим олишга (мактаб)га тайёрлашдан иборат.

Педагогика ва психология фанларида мактабга тайёргарлик муаммосини ҳал қилишда бошидан бошлаб икки йўналиш мавжуд.

Биринчи йўналиш одатда педагогик йўналишдир. Бу йўналишнинг тарафдорлари муаммо пайдо бўлганидан бошлаб ҳозирги кунга қадар мактабда тайёргарликни мактабгача ёшдаги болада ўқув кўникмаларини шаклланишига қараб аниқлайдилар: ўқий олиш, ҳисоблаш, ёзиш кўникмалари, шеър ёдлаш, ва ҳ.к. Бу йўналиш болада муайян ўқув кўникмаларининг шаклланиши даражасини таъкидлаш билан чекланади.

6-7 ёшли болада мактаб билан қизиқиш, ўқиш иштиёқи одатда юксак бўлади. Лекин биринчи синф остонасида ёзишга тайёрланмасдан, кўриш идроки, диққати, нозик моториканинг ривожига етарли бўлмасдан келган бола дарс жараёнида қийинчиликларга дуч келади. Ўзини нохуш сезади ва ўқишга муносабати салбий ўзгаради. Шу боис мактабгача даврда хуснихатни шакллантиришда зарур механизмларни ўстириш, ҳаракатлар тажрибасини тўплаш, қўл ва бармоқларнинг эпчиллик кўникмасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш жоиз.

Лекин мактабгача даврда ёзишни ўргатиш эмас, ёзишга тайёргарлик олиб бориш лозим. Бу даврда ёзишни ўргатганда хуснихат техникаси нотўғри шаклланади. Нарса ва жиҳозлар билан нозик ҳаракатларни бажариш 6-7 ёшга келиб ривожланади, айнан шу ёшга келиб қўлнинг майин мушаклар фаолиятини бошқарадиган бош миядаги зоналар етилиб келади. Шу сабабдан қўлнинг нозик моторикасини ривожлантиришга қаратилган машқ ва машғулотларни мактабга боришдан анча олдин бошлаш керак.

Нозик моторикани, қўл ҳаракатининг координатциясини ривожлантиришга қаратилган турли ўйин ва машғулотларга етарли вақт ва эътибор қаратган ота-она ва тарбиячилар бирданига иккита мақсадга эришадилар.

- ✓ Билвосита боланинг интеллектуал ривожига таъсир ўтказадилар;
- ✓ Бевосита ёзув кўникмасини ўзлаштиришга замин яратадилар, бу эса бўлғусида мактабда ўқиш муаммосини олдини олади.

Агар бола ёзаётган ёки бўяётган варақни ҳар томонга айлантирса, бу ҳаракатлар ота-она ва педагогни эътиборидан четда қолмаслиги керак. Бола чизик тортишда талаб қилинадиган нозик ҳаракатларни фаоллаштирмасдан варақни айлантиради ва машғулотнинг асл мақсади: бармоқлар ва қўл ривожига четда қолиб кетади.

Агар бола нарса, жиҳозларни ўта кичкина қилиб чизса, бу ҳолат биланнинг қатъий фиксация бўлганидан дарак беради. Бу нуқсонни аниқлаш учун диаметри 3-4 см айланани (намуна асосида) битта ҳаракат билан чизишни таклиф қилиш керак. Бола парта сатҳида билагини фиксация қилишга мойил бўлса, вазифани бажара олмайди: айлана ўрнига овал, диаметри анча кичкина айланани ёки бир нечта ҳаракат билан қўлини силжитиб чизади.

Майин моториканинг ривожини таъминлайдиган машқ ва машғулотларни илк ёш даврданоқ бошламоқ лозим. Гўдаклик даврда бармоқларни уқалаш билан бош мия қобиғи билан боғлиқ астив нуқталарга таъсир ўтказиш мумкин.

3-4 ёшдан бошлаб ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жараёнида: тугма ўтказиш ва очиш, боғичларни боғлаш ва ечиш каби ҳаракатларни ўйин тариқасида фойдали машғулотларга айлантатириш мумкин. Мактабга тайёргарлик даврида эса нозик моторика ва қўл ҳаракати координациясини ривожлантириш алоҳида эътиборда бўлмоғи лозим.

Атроф-муҳитдаги нарса ва жиҳозларни ўрганиш имконияти болада қўл ҳаракати ривожланганлигига боғлиқ.

Ўтган асрнинг таниқли олими, физиолог И. М. Сеченов тадқиқотларида аниқлашча, инсоннинг қўл ҳаракатлари генетик (наслий) белгиланган эмас,

улар таълим-тарбия жараёнида атроф-муҳит билан фаол ҳамкорлик соҳасида кўриш, мушаклар ўзгаришининг ассоциатив боғланиши натижасида пайдо бўлади. Шундай экан, болани мактабга тайёрлаш даврида машқ ва машғулотлар ота-она ва педагогнинг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Биринчи синфга илк қадам қўйган бола олдида бир нечта мураккаб вазифалар гавдаланади. Шуларнинг ичида асосийларидан ҳисобланмиш тўғри ва чиройли ёзувни ўрганиш вазифаси. Ёзувни ўрганиш жараёнида боланинг қўли, бармоқлари чарчамаслиги учун, ҳуснихатни шакллантириш учун махсус бармоқлар гимнастикаси ўтказишни тавсия этмоқчиман.

Бармоқлар гимнастикасининг яна бир фойдали томони бор: кафтлар ва бармоқлар сатҳида жойлашган “актив нуқталар” массажи боланинг кайфиятига ижобий таъсир этади, мианинг фаолиятини жадаллаштиради.

Чап қўл билан ёзаётган ёки чизаётган боланинг ота-онаси одатда безовта бўладилар. Бу болани ўнг қўл билан ёзиш-чизишга мажбурлайдилар. Ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячилар болани ўнг қўл билан қалам тутишга мажбур этадилар. Лекин бир қатор кузатишлар шуни кўрсатдики, туғма хусусиятларини инкор этиб, чап қўл ўрнига ўнг қўлни ишлатишга ҳаракат қилган болалар турли психологик муаммоларга дучор бўлишган: дудукланиш, невроз, ўта тортинчоқлик, бола ўзига паст баҳо берадиган бўлади. Ҳозирги кунда кўп ота-оналаримиз тушуниб бу патология эмас, балки табиатнинг бир намоёнидир.

Шу ўринда савол туғилади. Чап қўлли бола бошқалардан нимаси билан фарқ қилади?

✓ Инсоннинг мияси ўнг ва чап ярим шарлардан иборат. Бу ярим шарлар бир-бирининг ойнадаги акс кўриниши эмас, улар бир-бирини тўлдириб инсоннинг турли фаолиятини бошқариш марказларини ўзида мужассам этган.

✓ Чап ярим шарлар нутқ ва абстракт тафаккурни бошқаради, ўнг яримшарлар мусиқа ва бадиий ижод, образли тафаккурни.

✓ Одатда ярим шарлардан бирининг фаолияти иккинчисидан устун бўлади. Бу ҳолат мианинг функционал асиметрияси деб номланади. Агар чап ярим шар устувор бўлса, ўнг қўл фаоллиги устун бўлади, ўнг ярим шар устувор бўлса, чап қўл устун бўлади. Инсониятнинг учдан бир қисмда бирор бир ярим шар устувор эмас.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент –“Ўзбекистон” -2016.488 Б.
2. Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Маматова Г., Боқиева Ҳ. Ҳуснихат ва уни ўқитиш методикаси. –Т.: ТДПУ, 2013. – 70 б.
3. Рахматуллаева Л.И. Методика преподавания родного языка. –Т.: Учебное пособие. Молия Иқтисод, 2007.
4. Жумаев М.Э., Юлдашева М.Ю., Мингбаева Б.У., Маматова Г.А., Левкина М.Ф. Бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикаси ЎУМ. Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги ХТХҚТУМОҲМ., 2017.